VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

5 (222) ● 2013 йил 6 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

МАМЛАКАТИМИЗДА эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. ЎзМТДП ташкилотларидаги "Ёшлар қаноти" ва "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этишга интилаётгани эътиборга лойиқ.



ЖОЙЛАРДА ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилаётган тадбирларда ҳунарманд ва оилавий тадбиркорлар фаол иштирок этиб, уларга соҳани янада юксалтириш бўйича тушунтиришлар берилмоқда. Натижада ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда.



ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ азалий миллий қадриятларимиздан бўлиб келган. Бугунги кунда аждодларимиз томонидан кўп асрлик урф-одат, маросим, халқ ўйинларининг ўрни ва мавқеини тиклаш асосий вазифаларимиздан биридир.



2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

8 НИГОҲ

● ХАБАРЛАР

## Йигитлар хизматга отланди

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув-йиғин пунктида ўтказилган тантанали тадбирда "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, муддатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитларга оқ йўл тиладилар. Ўғлонларнинг юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишларига ишонч билдирилди.

## Биз ёш тадбиркор оиламиз

**Навоий шаҳар Ёшлар марказида «Биз ёш тадбиркор оиламиз» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда ёшлар томонидан билдирилаётган таклифлар, уларнинг банклардан имтиёзли кредит олиш масалалари, муаммолари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда бизнесни бошлаганлар ўз корхоналари фаолияти, улар учун яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар.

## Ўзбек киноси ҳафталиги

**Учқўрғондаги янгидан таъмирланган "Ватан" кинотеатрида ўзбек киноси ҳафталиги ўтказилди. Бу ерда кейинги йилларда суратга олинган "Тубанлик", "Жасур", "Тақдирлар" каби бир қатор фильмлар намойиш этилди.**

Ҳозир вилоятда йигирмадан ортиқ кинотеатр фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг самарали ишлашини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кинотеатрларга аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш масалалари доимий диққат марказида турибди. Мамлакатимиз кино режиссёрлари суратга олган янги фильмларни тезкорлик билан мухлисларга тақдим этиб бориш йўлга қўйилмоқда. Сўнгги пайтда Наманган шаҳридаги Машраб ва Абдусаттор Раҳимов номли кинотеатрларда ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу билан аҳолига кино-видео хизмати кўрсатиш даражаси ва маданияти янада ошириш кўзда тутилган.

● 9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

*Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.*

*Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Маърифат муҳаббати

***Беш асрдан ортиқдирки, Ҳазрат Навоий жаҳон тамаддуни тарихининг яловбардорларидан бири сифатида эъзозланиб келинмоқда. Башариятнинг қувончу қайғуси, инсонийлик моҳияти, барча ишларда эзгу ният, эзгу амал ва эзгу каломни асос қилиб олиш, маънавий камолот сари интилиш ҳақида умрбоқий асарлар яратган бу мутафаккир зот ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйди, оламда туркий тил ва туркий адабиёт ўзига муносиб мавқега эга эканлигини амалда исботлаб берди.***

Навоий шахсияти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш XV асрдан бошланган бўлса-да, навоийшунослик адабиётшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида йигирманчи асрда янгича шаклланди. Мен бу ерда собиқ шўро даврида Навоий асарлари нашри ва тадқиқи бўйича заҳмат чеккан олимларимизни назарда тутаяпман. Ёлғон асосда қурилган салтанатда бутун ижодиёти давомида "Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил" деган талабга оғишмай амал қилган даҳо шоирнинг асарларини нашр этишнинг ўзи катта маънавий жасорат эди. Албатта, Навоий тўғрисида баҳс юритган олим шўро мафкураси белгилаб берган чизиқдан чиқа олмасди, шунинг учун бундай тадқиқотларнинг кўпи бугунги кунда озод миллатнинг маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайди. Шу нуқтаи назардан, навоийшунослик фанимиз ҳам мустақиллик йилларида ривожланишнинг янги палласига етди, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақиллик йилларида Ҳазрат Навоийнинг куллиёти икки марта (20 жилдлик ва 10 жилдлик тўплам ҳолида) нашр этилди. "Хамса" достонлари насрий баёни билан бирга дунё юзини кўрди. "Хазойин ул-маоний" девони луғат ва изоҳлар билан қайта нашрга тайёрланиб, чоп этилди. Навоийнинг ҳикматлари, алоҳида асарлари тадқиқига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди. Шулар билан бир қаторда, янги бир гўзал анъанага асос солинди: ҳар йили февраль ойида бутун республикамизда Алишер Навоий таваллуд айёмига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Бу тадбирлар бир томондан ўзбек халқи маънавиятининг порлоқ қуёши, шеърият мулки султонининг руҳига эҳтиром ифодаси бўлса, иккинчи томондан, йил давомида навоийшунослик бўйича қилинган ва амалга ошириш лозим бўлган ишларнинг сарҳисоби ҳамдир.

5-бет



● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

# Демократик жараёнларни янада кучайтириш

**депутатлар муҳокамасига ҳавола этилган қонунлар асосини ташкил қилади**

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***



Йиғилишда парламентнинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддасига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини 7,1-моддаси билан тўлдириш назарда тутилмоқда.

2-бет

● ЖАРАЁН

# Чет эл инвестициялари

**мамлакатда иқтисодий ва технологик янгиланиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи омили**

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги яна бир муҳим воқелик Президентимиз Ислом Каримовнинг "Бош мақсадимиз — кенг кўламлиислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузаси ўзига хос чуқур маъно ва мазмунга эгалиги билан том маънода тарихий аҳамиятга моликдир. Унда белгилаб берилган барча йўналиш ва устувор вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига қўшиши шубҳасиз.***

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# Демократик жараёнларни янада кучайтириш

## депутатлар муҳокамасига ҳавола этилган қонунлар асосини ташкил қилади

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шунингдек, юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш заруриятидан келиб чиқиб, 13 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган, деб топиш таклиф этилмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб кириш мақсадларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқишди. Эътироф этилганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Шу мақсадда лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ваколатларини аниқлаштириш кўзда тутилмоқда.

—Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов. — Унга мувофиқ, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш, уларни хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Албатта, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДПнинг ғоявий мақсадларидан бўлган аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини такомиллаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек, унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.

— Қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ҳамда масъулиятини ошириш таклиф этилмоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Лобар Қосимова. — Бундан ташқари лойиҳада сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш назарда тутилмоқда. Бу Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, биринчи галда маҳалла институтининг жойлардаги муайян масалаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш борасидаги дастурий мақсадлари ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасида «Суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси, 3-қисмини Молия вазирлигининг стратегик муҳим суғурта компанияларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда махсус ваколатли давлат органи сифатида иштирок этиш имкониятини назарда тутувчи қоида билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Ушбу масала юзасидан фракция аъзолари ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар, қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# СИЁСАТ

*Маълумки, 2011 йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида ҳамкорлик битими тузилган. Унинг мақсади партия ва институт ҳамкорлигида Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеини янада кучайтириш, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.*

● ЁШЛАР ҚАНОТИ



# ЎзМТДП ёшлари

## фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда

Шунингдек, битим асосида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамиятни бошқариш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда фаоллигини оширишдаги ролини янада кучайтириш мақсади кўзда тутилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш борасида партия ва институт ҳамкорлигида 150 га яқин давра суҳбати, ўқув-семинар ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП “Ёшлар қаноти”нинг иштироки” мавзусидаги давра суҳбати ҳам айни масалага қаратилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП ёшларининг иштироки” мавзусида маъруза қилган партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов, жумладан, шундай деди:

— Бугун мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижаси ўлароқ, ўзбек ёшлари юксак марралар, янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Биргина ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллашиб бораётгани келажак эгалари ҳаётида туб бурилишлар ясамоқда. Яратилаётган шароитлардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Ёшлар қаноти” аъзолари ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, партия “Ёшлар қаноти”нинг мамлакат ёшлари ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Айниқса, ёшларни маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук шахс бўлиб камол топишларида унинг ҳиссаси беқиёс. Бунинг натижасида ёшларнинг жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ортиб бораётган бир пайтда ЎзМТДП “Ёшлар қаноти”нинг фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, уларда юрт келажагига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифаларимиздан саналади. Бу борада ўтган 2012 йилда 3500 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, уларда 300 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Жорий йилда ҳам тафаккури теран, юксак салоҳият ҳамда ташаббускорликка, интилиш ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” атрофига бирлаштириш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, партиянинг кадрлар захирасини ҳар томонлама етук ёшлар билан тўлдириш, ёш авлод вакилларининг келажакка бўлган ишончини орттириш мақсадида аниқ чора-тадбирларга таянган ҳолда фаолият олиб боришни режалаштираяпмиз, - деди пировардида нотиқ.

Шунингдек, давра суҳбатида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси У. Жалменов ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими Б.Шамсуддиновнинг “Ёшлар йўналишида фаолият олиб боришдаги халқаро тажриба” ҳамда “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари: кеча ва бугун” мавзусидаги маърузалари тингланди. Эркин мулоқот тарзида ўтган давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

***Ойбек ИБРОҲИМХОНОВ,***
***ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси:***

— Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. ЎзМТДП ташкилотларидаги “Ёшлар қаноти” ва “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этишга интилмоқда, десак хато бўлмайди. Партия томонидан бу борада ташкил этилаётган тадбирлар келажак эгаларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги тадбирда иштирокчилар томонидан ёшлар фаолиятидаги муҳим масалалар, улар олдида турган муаммолар баён этилди. Ўйлаймизки, партия ва институт ҳамкорлиги ёшлар эҳтиёжларини ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш, қабул қилинаётган қонунларда бу манфаатларни ифода этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан бугунги давра суҳбати партиямиз ёш аъзоларининг фаоллигини ошириш, уларнинг талаб ва таклифлари, мақсад ва ғоялари асосида “Ёшлар қаноти”нинг жорий йилдаги режаларини белгилаб олиш имконини яратди.

***Гулнозахон НОСИРОВА,***
***ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” фаоли:***

— Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни беқиёс. Улар эса ўз фаолияти давомида ёшлар кўмагига таянади. Боиси ёшлар эртанги кун яратувчиларидир. Бугунги давра суҳбати ҳам “Ёшлар қаноти”нинг янги ғоялар ва фикрларга бой аъзоларини бир ерга тўплаб, ўзаро фикр алмашиш имконини яратди. Маърузалар орқали қимматли маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, “Ёшлар йўналишида фаолият олиб боришдаги халқаро тажриба” мавзусидаги маъруза менда катта таассурот қолдирди. Халқаро миқёсда ёшлар билан ишлаш масалалари, дунё мамлакатлари парламентлари тизимида ёшларнинг ўрни борасидаги фикрлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундади. ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар ҳар томонлама етук ёшларни партия атрофига бирлаштириб, уларнинг эзгу ғояларига куч бағишлаши шубҳасиз.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Дастурий вазифалар

## ижросини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия вилоят Кенгаши фаоллари иштирок этдилар.*

Семинар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларига бағишланди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг мустақил тараққиётимизнинг тарихан қисқа даврида юртимизда қатъият ва изчиллик билан олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар таҳлили ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган мазкур маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП олдида турган долзарб вазифалар партия фаоллари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Ўқув-семинарни ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш ҳамда аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

— 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб номланиши замирида жуда катта мазмун ва моҳият мужассам, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов. — Хусусан, жорий йилда юртимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ҳал қилиш, фуқаролар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу каби масъулиятли ва залворли вазифалар ҳар биримиздан фаоллик ҳамда ташаббускорликни талаб этади. Шу нуқтаи назардан жорий йилда ҳам партия Марказий Кенгаши ва фракцияси томонидан дастурий мақсадларимизга уйғун равишда турли лойиҳалар, ташаббуслар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши режалаштирилган. Маънавий қадриятларимизни янада ривожлантириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни такомиллаштириш, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш, аёлларнинг жамиятда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир” мавзусидаги маърузасида эътироф этилганидек, мустақиллик шарофати билан юртимизда кучли, рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти таркиб топди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожланди. Биргина 2012 йилнинг ўзида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7, қишлоқ хўжалиги 7, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Албатта, эришилаётган бундай улкан ютуқлар асосий Қонунимиз ҳамда қатор қонунларимизда белгиланган иқтисодий фаолият ва оилавий тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва устувор бўлиб, давлат ҳимоясида эканини кафолатлайдиган нормаларнинг самарали амалга ошаётганидан далолат. Энг муҳими, буларнинг барчаси давлат, жамият ва инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги дастурий маърузаларида кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш лозимлиги, жойларда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида ҳалибери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлиги ва ундан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар, - деди Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Баҳром Мамажонов. — Бу, ўз навбатида, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўқув-семинарда партия Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2012 йилдаги фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Хусусан, захира кадрлар билан ишлаш тизимини кучайтириш, тарғибот тадбирларини таъсирчан, самарали усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш, партия аъзолари сафини кенгайтириш йўналишидаги ютуқ ва муаммолар қизғин муҳокама қилинди. ЎзМТДПнинг жорий йилдаги фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

***Убайдулла НИЗОМОВ,***
***ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Семинарда Президентимиз Ислом Каримовнинг дастурий маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, жорий “Обод турмуш йили”да партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларини сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, депутатлик гуруҳларининг электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларини кучайтириш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги қонунлар, Президент Қарор ва фармонларининг Пахтакор туманидаги ижроси тўғрисидаги масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Ҳудудда соҳани ривожлантиришга оид қатор таклифлар, жумладан, Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ҳунармандчиликнинг мавжуд 25 йўналиши бўйича мутахассислик очиш, “Ҳунарманд” уюшмаси туман бўлимини ташкил этиб, ҳунармандларни уюшмага аъзо қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, бўш турган биноларни қадриятларимиз давомчиларига ажратиб бериш, “устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Бу борада халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясининг махсус қарори қабул қилинди ва муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўқув-семинарда дастурий мақсадларимиз ижроси йўлидаги ишларни жорий йилда янада юқори поғонага олиб чиқишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

***Сабоҳат АБДУРАҲМОНОВА,***
***ЎзМТДП Янгиобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:***

— Янгиобод тумани вилоятимизнинг марказдан олис, чекка ҳудудларидан саналади. Аҳоли сон жиҳатдан кам ва тарқоқ жойлашган ҳудудда партия ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш, ўз сафимизга бирлаштиришда муайян муаммолар юзага келиши табиий ҳол. Қадим тарихга эга, муқаддас манзил саналган “Хўжамушкент” зиёратгоҳида ЎзМТДП туман Кенгаши томонидан миллий байрамларимиз муносабати билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Озод юртнинг обод гўшаси” хайрия акцияси, “Юртим тарихини ўрганаман”, “Аждодлар мероси муқаддас” каби тадбирлар ҳар томонлама фаол юртдошларимизни партия атрофига бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари туман Кенгашида энг кўп ўринни ЎзМТДПдан сайланган вакиллар банд этгани партия дастурий вазифалари ижросига хайрихоҳларнинг баҳоси десак, муболаға бўлмайди.

Жорий “Обод турмуш йили”да ҳам ЎзМТДП дастурий мақсадлари йўлида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш фаолиятимиз мезони саналади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЖАРАЁН

## Чет эл инвестициялари

**мамлакатда иқтисодий ва технологик янгиланиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи омили**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида белгиланган вазифалар иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ўсишида долзарб аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини аввамбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур”.

Айниқса, ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсганлиги, жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этган ва уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканлиги хорижий давлатларнинг мамлакатимизга бўлган юксак ишончининг намунаси эканлиги шубҳасиз. Бу борадаги ютуқларнинг таъминланишида мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларнинг қабул қилиниши хорижий инвесторларнинг фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди. Шунингдек, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Дарҳақиқат, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади.

Хорижий инвестициялар кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техника базасини янгилайди, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади.

Ўзбекистонда инвестицияларнинг катта қисми нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ҳамда туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг янги тармоғи — ривожланган инфратузилмага эга автомобиль саноати жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Ушбу тармоқда «GM», «MAN» ва «ISUZU» каби жаҳонда етакчи компанияларнинг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари татбиқ қилинганлигини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Шунингдек, Сурғил кони базасида қурилаётган Устюрт газ-кимё комплекси, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Шўртаннефтгаз”, “Муборакнефтгаз” корхоналари ҳамда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида амалга оширилаётган лойиҳалар қатор ривожланган хорижий давлатларнинг молия рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодий соҳани жадал ривожлантиришда хориж капиталини, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш энг самарали восита ҳисобланади. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта янгилаш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликка эга: биринчидан, улар узоқ муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетишини вужудга



келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналминаллашуви шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриши учун муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, ахборот телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу иқтисодиётимизнинг реал сектори салоҳиятини ошириш, ҳудудларда янги, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, пировард натижада мамлакатимизни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади.

Йил якунларига бағишланган йиғилишдаги таҳлиллар ва илгари сурилган устувор вазифалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида иқтисодий соҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда дастурил-амал бўлади. Жумладан, Президентимиз “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак” деб таъкидладилар. Бу борадаги вазифалар партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган ички бозорларимизни ҳимоя қилиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, энг асосийси, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

ТАРҒИБОТ

*Обод турмуш, энг аввало, оилалар мустаҳкамлигида намоён бўлади. Яъни, оиласи тинч, аҳил-иноқ, хотиржам ҳаёт кечирадиган инсонларнинг турмуши ҳам обод бўлади. Ўзбек хонадонларида азалдан катталар ҳурматда, кичиклар иззатда бўлишган, ҳар бир ишни бир ёқадан бош чиқариб амалга оширишган. Зеро, ўзбек оиласида ҳар бир шахснинг ўз ўрни бор. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти”, партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамкорлигида “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” шиори остида “Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги” мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ана шундай масалалар хусусида сўз юритилди.*



## Оила мустаҳкамлиги

**обод турмуш асоси**

“Обод турмуш йили” муносабати билан ташкил этилган тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятимиз учун муҳим саналган ёшлар ва аёллар билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган вазифалар ЎзМТДПнинг ҳар бир аъзоси зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Эътироф этиш жоизки, 160 минг нафардан ортиқ партиямиз аъзоларининг қарийб 42 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Яъни, ЎзМТДПда “Аёллар қаноти” катта куч ва имкониятга эга. Шу боис партиямиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни сақлаган ҳолда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз лозим. Ўрни келганда айтиш жоизки, 2012 йил давомида партия “Аёллар қаноти” ташаббуси билан республика бўйича 2700 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди ва уларда 300 минг нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Бу партиямиз ғояларининг кенг аҳоли орасида тарғиб қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда, - деди пировардида маърузачи.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, обод турмушнинг муҳим шарти бу инсон саломатлигини мустаҳкамлашдир. Шу боис аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш лозим. Таъкидлаш жоизки, жамиятда меҳр-мурувват, ҳомийлик ва юксак тиббий маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ижтимоий соҳага ҳомийлик ва саховатпешалик ҳаракатини мамлакат бўйлаб кенг авж олдириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Тадбирда ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳомийлар томонидан бир гуруҳ ногиронларга ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг тиббиёт хонасига тиббий асбоб-ускуналар топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия “Аёллар қаноти” етакчилари, Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчилари, ёш оилалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

***Олтиной ЭСОНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Истиқлол йилларида оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мақоми, роли ҳамда нуфузини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик аёлларнинг ҳар жабҳада фаол бўлишларига асос бўлмоқда. Бу жараёнларда партия “Аёллар қаноти” аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарли, албатта. Хусусан, хотин-қизлар сиёсатига оид қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этмоқда. Бугунги тадбир ҳам ЎзМТДП мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш ҳамда сайловолди Ҳаракат дастурида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашда айни муддао бўлди.

***Мақсуда ПОЁНОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси:***

— Бугунги тадбир ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” ижтимоий-маънавий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, тадбир доирасида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда ЎзМТДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ҳамда “Аёллар қаноти”нинг иштирокини кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

## Фаолиятимиз самараси

**амалий ишларимизда намоён бўлади**

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган ўрта-махсус таълим тизимини изчил ривожлантириш йўналишида жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳа вакили — Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Лочин Облоқулов билан суҳбатимиз вилоятда таълим тизимидаги ислоҳотлар хусусида борди.*

**— Лочин Нурқулович, одатда янги йил дебочасида ҳар бир соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Демак, суҳбатимиз мавзусини ортда қолган йилда вилоят ўрта-махсус таълим тизимидаги ислоҳотлар натижаларига қаратсак?**

— Барчамизга маълумки, юрт равнақи, мамлакатнинг эртанги куни ўсиб келаётган ёш авлод камолоти билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мустақилликнинг илк кунларидан Президентимиз ташаббуси билан таълим тизими тубдан ислоҳ этилди. Жумладан, касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни жаҳон андозаларига мос тарзда ўқув-техника воситалари билан бойитиш борасидаги амалий ишлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Айни пайтда Навоий вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимида 47 та коллеж ҳамда 4 та академик лицей фаолият юритмоқда. Ёшларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича илм олиб, касб сирларини мукаммал ўрганишлари учун барча имкониятлар етарли. Бугунги кунда коллеж ва лицейларда турли йўналишлар бўйича 52 минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар билим олишмоқда. Таълим ва тарбияга масъул бўлган педагог ва ишлаб чиқариш усталарининг сони эса 5 минг нафарга яқин. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги илмий даражага эга бўлган тажрибали педагоглардир.

Президентимизнинг ўтган йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида соҳада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Яъни дарс жараёнларини бугунги замон талаби асосида, янги педтехнологиялар, компьютер синфларида, мультимедиа ва проектордан кенг фойдаланган ҳолда олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, жорий ўқув йилида ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган 40 га яқин илғор тажрибалар вилоятда оммалаштиришга тавсия этилди.

Эътироф этиш жоизки, Навоий информатика ва электрон саноати касб-ҳунар коллежи ўқувчиларга амалий ёрдам бериш ва уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Навоий Давлат кончилик институти, Навоий Давлат педагогика институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг кафедралари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаган. Эътиборлиси, мазкур олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва илмий ишлар яратилмоқда. Бу каби хайрли ишлар самараси ўлароқ коллеж ўқувчиларининг билим салоҳияти юксалиб, касбий қизиқишлари ортмоқда.

**— Жамиятни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнида миллий тарбия масаласининг ўрни ниҳоятда муҳим. Шу йўналишда ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?**

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлат ва жамиятни тараққий эттиришда миллий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Зеро, ҳар қандай жамият тараққиётида ўзлигини англаган, юқори интеллектуал салоҳиятли ва интизомли, соғлом фикрловчи инсонлар ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Мамлакатимизда миллий тарбия тизими халқимизнинг ўзига хос феъл-атвори, ахлоқ қоидалари, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга таянади.

Ўрта-махсус касб ҳунар таълими тизимида ҳам миллий тарбияга асосланган ҳолда ўқувчи ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини сингдириш, уларни халқимизнинг боқий қадриятлари, ўлмас анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашга муҳим масала сифатида ёндашилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2012 йилда партия билан ҳамкорликда 50 дан ортиқ турли маънавий-маърифий мавзуларда тарғибот тадбирлари ташкил этилди. “Ёшларни миллий урф-одат ва қадриятлар руҳида тарбиялаш”, “ Ёшлар тарбиясида шарқона одоб мезонларига таянишнинг муҳим жиҳатлари”, “Ёшлар тарбиясида миллий мафкуранинг ўрни ва роли”, “Юксак маънавияли ёшлар — Ватан таянчи” каби мавзудаги тадбирлар шулар жумласидандир.

**— Маълумки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Шундай экан, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан суҳбатимизни давом эттирсак?**

— Тўғри таъкидладингиз. Ёш мутахассисларнинг касб-ҳунар коллежларида эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этишларига кўмаклашиш олдимизда турган муҳим масалалардан саналади. Шу боис битирувчиларни ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи доимий эътиборимизда бўлмоқда. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтган йили барча туман ва шаҳарларда жами 30 маротаба ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди.

Вилоятда 2011-2012 ўқув йилида 17 минг 947 нафар ўқувчи касб-ҳунар коллежларини тамомлаган бўлса, улардан 16 минг 464 нафарининг бандлиги таъминланди. Битирувчиларнинг 6924 нафари корхоналар буюртмаси асосида, 8765 нафари эса бўш ва янги иш ўринларига жойлаштирилди. 775 нафар ўқувчи эса олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Айни кунда ҳар бир коллеж раҳбарияти ҳудуддаги йирик саноат корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўришмоқда.

**— Бугун юртимизда кечаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Айтингчи, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати сифатида “Обод турмуш йили”да қандай ишларни амалга оширишни режалаштираяпсиз?**

— Янги 2013 йилда депутатлик ваколатим доирасида партия сайловолди Платформасида дастуриламал қилиб белгиланган вазифаларни бажаришни режалаштирмоқдаман. Аввало бу борада вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари киритиш ва кўтарилган масалалар ечимини топишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида Навоий вилоятида туризм инфратузилмасини такомиллаштиришни, ҳудудда халқаро стандартларга жавоб бера оладиган туристик хизматларни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқишни режалаштирганман. Зеро, ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида ҳам маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Яна шуни таъкидлашим жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилга “Мустаҳкам оила йили”нинг узвий давоми сифатида “Обод турмуш йили” деб ном берилиши жамиятнинг мустаҳкам бўғини бўлган оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотларни амалга оширишни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Бу масъулиятли вазифаларни бажаришда, албатта, биз депутатлар ҳам четда турмаймиз. “Обод турмуш йили”да ишлаб чиқиладиган давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида, азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оилалар мустаҳкамлиги ва равнақи йўлида масъул эканлигимизни теран англаган ҳолда фаолият юритамиз.

**Суҳбатдош:**
**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# ЖАРАЁН

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

## Бунёдкорлик эзгуликка ундайди

**дейди биз билан суҳбатда бухоролик қурувчи Аҳтам ака Улуғов**

***Юксак орзу ва истаклар билан яшаётган инсон борки, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳақида қайғуради. Шу туйғу билан яшайди. Ўз толеини Ватан тақдири, халқ тақдири билан боғлайди. Зеро, ана шундай ўй-ташвишлар, саъй-ҳаракатлар билан умр кечираётган кишиларни юртпарвар, элпарвар, деймиз.***

Кўҳна ва навқирон Бухоро заминининг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутишида ҳам ана шундай инсонларнинг ҳиссаси беқиёс. Чунки, истиқлол ушбу гўшанинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи уйғонди. Ёшлигидан қурувчилик касбини улуғлаб келаётган Аҳтам ака Улуғов ҳам шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлишида ўз меҳнати билан иштирок этиб келмоқда. Бир-биридан чиройли иншоотларни бунёд этишда бош-қош бўлмоқда. Юзлаб шогирдлар етиштирган қаҳрамонимизни доимо иш устида учратасиз. Ҳамкасбларидан, шогирдларидан маслаҳатини аямайди.

— Олис қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойларни кўриб қувониб кетаман,- дейди 47-сон хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна директори Ахтам Улуғов. — Ана шу қурилишларда корхонамиз ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурувчиларининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувонаман. Бир неча йиллардан буён вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашяпмиз. Ишчи-хизматчиларимиз кўмагида барча қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳаракатидамиз. Бундай қурилиш, бунёдкорлик инсонни эзгуликка, хайрли ишларни бажаришга ундайди, десам хато бўлмайди

Мусиқанинг таълим-тарбиядаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллаши, ўз ижодий салоҳияти ва иқтидорини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Муҳтарам Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат туфайли соҳада катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, салобат билан, қишлоқларимиз кўркига кўрк бериб турган муҳташам санъат кошоналарини кўрасиз.

Бухоро туманидаги 150 ўринли 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши март ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 139 миллион 548 минг сўмлик маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди. Қурилиш ишларини сифатли бажаришда барча ҳамкасбларимиз чин дилдан меҳнат қилишди. Шунингдек, вилоят хўжалик суди маъмурий биноси қурилишини ҳам қисқа фурсатларда, сифатли қилиб топширдик. Жами 1 миллиард 913 миллион 380 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 2013 йилда ҳам бир-биридан чиройли, кўркам биноларни қуришда иштирок этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

— Болалардаги қобилиятни, истеъдодни, иқтидорни ўз вақтида илғаб, уларга кўмаклашиш, нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг ҳам вазифаси саналади, - дея суҳбатимизга қўшилди мусиқа ва санъат мактаби директори Венера Нуриллаева. — Юртимизда ёшларнинг замон талаблари асосида таълим олишлари ва истеъдодларини юзага чиқаришлари учун бундай мактабларда барча имконият яратиб берилган. Айниқса, бундай санъат кошоналарининг қишлоқ жойларда ҳам қурилиши ёш истеъдодларни кашф этишда катта аҳамиятга эга.

Аҳтам ака раҳбарлигидаги қурувчиларга раҳмат. Қурилишни ўз вақтида бажаришиб, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида ҳам кўмак беришди. Ҳозирда болажонларимиз барча шароитлар яратилган кенг ва ёруғ хоналарда дарс ўтишиб, мусиқа сирларини ўрганишмоқда. Мактабимизда фортепьяно, торли ва халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик, эстрада, хореография, тасвирий санъат йўналишларида машғулотлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларимиз орасида Республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг ғолиб ва совриндорлари кўпчиликни ташкил этади.

Бугун ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясига ҳар тарафлама эътибор берилаётганлигида эртанги кунимиз эгаларига билдирилаётган юксак ишонч ва рағбат мужассам. Турмуши обод, халқи фаровон, осмони мусаффо юртга эса ободлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик ярашади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**





2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

## Илҳом олами

***Камолиддин Беҳзод номидаги Бухоро санъат музейида Обод турмуш йилига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди.***

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада турли авлодларга мансуб мўйқалам соҳибларининг инсон ва унинг ички дунёси ҳамда юртимиз бетакрор манзаралари ифодаланган асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан миллий санъатимиз намояндалари — Ўрол Тансиқбоев, Александр Волков, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Абдулҳақ Абдуллаев, Жолдасбай Изентаев, Николай Бурмаков, Баҳодир Жалолов ҳамда миллий анъаналарни янгича руҳ ва талқинда давом эттираётган Акмал Нур, Ғофур Қодиров, Татьяна Ли, Файзулла Аҳмадалиев каби рассомларнинг асарлари ўрин олган.

— Мазкур кўргазманинг "Илҳом олами" деб номланиши бежиз эмас, - дейди Ўзбекистон Бадиий академияси тасаруфидаги Бухоро ихтисослашган санъат мактаб-интернати ўқитувчиси Эркин Жўраев. - Юртимиздаги улкан ўзгаришлар, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари ижодкорлар учун бой илҳом манбаидир.

Тадбир доирасида тасвирий санъат сирларини эгаллаётган ёш истеъдодлар учун ижодий лаборатория вазифасини ўтайдиган маҳорат дарслари, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари бўлган таниқли рассомлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Кўчма кўргазма Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда намойиш этилади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

ТАЪЛИМ

## Шароит ва имкониятлар етарли

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди, соҳага бўлган эътибор ўзгарди. Бу борада ёшларимизни ҳар томонлама билимли ва баркамол этиб тарбиялаш, касб-ҳунар сирларини ўргатиш, бўш вақтларини янада мазмунли ўтказиш муҳим масалалардан этиб белгиланди. Хусусан, Муборак саноат касб-ҳунар коллежида талаба-ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганишлари учун яратилган шароит ва имкониятлар эътиборга лойиқ.***

Коллеж Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити асосида жиҳозланган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш устахонаси, тикувчилик цехи, 300 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, маънавият-тарғибот хонаси, ётоқхона, спорт зали ва майдончаси ўқувчилар ихтиёрида.

1800 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олаётган таълим масканида қарийб 100 нафар малакали устозлар молия, бухгалтерия ва аудит, тикув ва тикув трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш технологияси, электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш қурилмалари техник механиги, иссиқлик энергетикаси каби 12 та йўналиш бўйича таълим бермоқда.

Коллежда тикувчилик цехи мавжуд бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мазкур техникалардан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида ўқитувчилар томонидан дарс машғулотларидан сўнг "Модельер-дизайнер", "Қўлигул қизлар" тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, талаба-ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича олган назарий билимларини амалиётда синаб, тажрибаларини оширмоқда.

"Соғлом танда — соғ ақл", дейди доно халқимиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари ҳаётида бу нақл ўз ифодасини топмоқда. Саноат коллежида ҳам бир неча йиллардан буён ёшларни спортга жалб этиш, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириб келаётган Қурбон Темиров, Рустам Бобилов каби мураббийларнинг хизмати катта. Натижада коллеж талабалари орасида спортнинг турли йўналишлари бўйича вилоят, республика ва халқаро миқёсда совриндорлар кўпаймоқда. Бунда, албатта, коллежда дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилаётган 9 та тўгарак фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳалла ёшларини спортга бўлган қизиқишларини орттириш, бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида маҳалла ва коллеж ўртасида шартнома тузилган бўлиб, бунда коллеж талабаларидан ташқари маҳалла ёшлари ҳам бўш вақтларида спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

— Ёшларга билим бериш, уларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш, иш билан таъминлаш коллежнинг доимий диққат-эътиборида, - дейди мазкур коллеж директори Чори Махадов. — 2012 йил коллежимизни 569 нафар йигит-қиз битириб, шундан 559 нафари иш билан таъминланди, кўплаб ўқувчилар олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. "Устоз отангдек улуғ" деган ибратли нақл бор халқимизда. Ўқувчи-ёшларга таълим тарбия беришда устоз-мураббийларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Коллежда бу борада Фароғат Ҳамроева, Ғайрат Абдуллаев, Рўзиқул Сиддиқов, Жумагул Бердиева, Чори Якубов сингари тажрибали муаллимлар ёшларга ҳар томонлама ибрат бўлиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб келишмоқда. Бошқача айтганда, жамоа аҳиллигининг сири, эришган ютуқлари айнан ҳамжиҳатликда.

Коллежда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар турли тадбирлар ва ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган йиғилишларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, турли оқимларга қўшилиб кетмаслик, одам савдосига қарши кураш борасида коллеж, маҳалла, ота-оналар ва тегишли ташкилотларнинг ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳар ой режага мувофиқ ўқувчилар ўртасида "Одам савдосига қарши кураш" борасида суҳбатлар, мутасадди ташкилотлар билан учрашувчилар ўтказилади. Айниқса, "Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссия"си ёшлар билан доимо мулоқотда. Бежизга "Бир болага етти маҳалла ота-она" деб айтилмаган. Ёшларимизни ҳар томонлама билимли, юртга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш, бўш вақтларини янада мазмунли ўтказиш муҳим вазифалардан саналади. Зеро, бугунги ёшлар эртанги келажагимиз пойдеворидир.

**Гулида АБДУЛЛАЕВА,**
**Муборак саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

ФАОЛИЯТ

## Пластмасс маҳсулотлар

**харидорларга манзур бўлмоқда**

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, имтиёз ва имкониятлар соҳа ривожи учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланиб бораяпти.***

"Самарқанд пласт полимер" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фурқат Зиёев ҳам бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётганлардан. Унинг асли касби иқтисодчи. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини шу соҳа бўйича тамомлаган. 2007 йилдан бошлаб ушбу соҳада фаолият юритиб келаяпти. Табиатан камтарин ва меҳнаткаш инсон. У раҳбарлик қилаётган корхонадаги саранжом-саришталик, тартиб ва интизом, яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнайди. Корхонада бугунги кунда асосан пластмасс маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Турли хилдаги пақир ва лаганлар, ҳар хил ҳажмдаги пластмасса яшиклар харидорларга манзур бўлаяпти. Корхона раҳбарининг янгиликка интилувчанлиги боис ўтган йилдан бошлаб болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун Хитойда ишлаб чиқарилган қўшимча ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Ишчилар малакасини ошириш, дастгоҳлардан унумли фойдаланишни ўрганиш мақсадида хитойлик мутахассислар тажрибасини мукаммал ўрганишга эришдилар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вилоят аҳолисига, шунингдек, қўшни вилоятларга ҳам сотилмоқда. Ўтган 2012 йил давомида 500 миллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг якунлари ва 2013 йилда кутилаётган устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ривожида суянч бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Бундай ишончни оқлаш юртимизда фаолият олиб бораётган барча йўналишдаги тадбиркорлар учун ҳам фахр, ҳам ғурурдир, - дейди корхона раҳбари Фурқат Зиёев. — Солиқ ставкаларининг туширилиши ва корхона фаолиятига аралашувларнинг чеклаб қўйилганлиги, бизнинг эркин фаолият юритишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мен ҳам фаолиятимизни янада ривожлантириш учун ўтказилаётган турли хил ярмарка ва савдо кўргазмаларида иштирок этаяпман. Янги лойиҳалар устида изланаяпмиз.

Айни пайтда корхонада 6 нафарлар ёш иш билан таъминланди. Улар учун барча иш шароитлари яратиб берилган. Ишчиларнинг моддий ва маиший манфаатлари биринчи ўринга қўйилиб, уларга иссиқ овқат, сут, қатиқ маҳсулотлари берилаяпти. Дам олиш ва тиббий хизмат кўрсатиш хонаси ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, жамоа аъзолари обод турмуш, фаровон ҳаёт яратиш йўлида ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиб, фаол ҳаракат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ ХИЗМАТ

## Скрининг маркази

**соғлом она — соғлом бола кафолати**

***Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Она ва бола саломатлигига эътиборнинг яққол намунаси биргина республикамиз миқёсида ташкил этилган Она ва бола скрининг марказлари мисолида ўз тасдиғини топмоқда.***

Кўпчиликка маълумки, скрининг — бу оддий усуллар ёрдамида касалликни эрта ва тез аниқлаш учун аҳолини оммавий текширувдан ўтказиш деган маънони англатади. Она ва бола скрининги эса - янги туғилган чақалоқларда ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида керакли чора-тадбирлар қўллаш имконини яратади. Мазкур марказларнинг асосий мақсади ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш, боланинг нуқсон билан туғилишининг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказишдан иборат.

2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган Жиззах вилоят скрининг марказида болаларнинг касалликка чалиниши, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, аҳолига тиббий-генетик ёрдамни такомиллаштириш, ҳомила ривожланишидаги туғма нуқсонларни туғруқдан олдин ташхислаш усулларини ривожлантириш ҳамда янги туғилган чақалоқларда наслий касалликлар бўйича скрининг текширувлари амалга оширилмоқда. Бу ерда тиббиёт фанининг наслий касалликларни ташхислаш ва даволашдаги энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ҳомиладор аёлларни текширишнинг энг янги лаборатор ва функционал усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Марказ 3 босқичли, жумладан, перенатал, яъни туғруққа қадар скрининг текшируви, оммавий неонатал скрининг ва тиббий-генетик маслаҳат босқичларини ўз ичига қамраб олади.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20000 дан зиёд чақалоқлар оммавий неонатал скрининг текширувидан ўтказилди, - дейди марказ директори Шербек Аширов. — 109 нафар туғилган чақалоқларда оғир нуқсон, шундан 4 нафарида ирсий касаллик аниқланиб, зарур муолажа ишлари бошланган. Ҳозирги кунда вилоятда 18000 нафардан кўпроқ ҳомиладор аниқланган бўлиб, уларнинг 8000 га яқини скрининг текширувидан ўтказилди. Текширувлар натижасида она қорнидаги 128 нафар чақалоқда туғма нуқсонлар борлиги маълум бўлди. Амалга оширилган зарур тиббий муолажалар, бўлажак ота-оналарга тўғри тушунтириш, маслаҳатлашиш натижасида уларнинг аксариятида бу муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Хотин-қизларнинг тиббий саводхонлик даражасини ошириш, қариндошлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибатларини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш мақсадида марказ томонидан касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Биргина мисол, вилоятда туғма ногиронлар сони 2010 йилда 1000 та туғруқдан 2,8 нафарни ташкил этган бўлса, амалга оширилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида бу кўрсаткич бугун 2,4 нафарга камайган.

Соғлом авлод, шубҳасиз, мамлакат истиқболи, миллат қаноти. Мамлакатимиз, хусусан, Жиззах вилоят Она ва бола скрининг марказида олиб борилаётган ишлар эса юртимизнинг таянчи ва суянчи бўлган баркамол авлодлар туғилишига, уларнинг маънан ва жисмонан камол топишига хизмат қилади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Сув тошқинидан кейин эпидемия

**Хуанхэ нафақат Хитойда, балки сайёрамизда энг кўп тошқинлар кузатиладиган дарёлардан саналади. Ўзанидан чиқиб, одамларнинг тинчини бузишга “одатланган”и туфайли Хуанхэга “Хитой қайғуси” деб ном беришган**

***Мутахассисларнинг фикрича, жорий қиш нисбатан совуқ келгани сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида кучли қор ёғиши, баҳор ва ёз фаслларида сув тошқинларининг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Афсусланарли жиҳати шундаки, техника ва технологиялар ривожланиб, такомиллашиб бораётганига қарамай, табиий офатлар, хусусан, сув тошқинларини олдиндан аниқ айтиш имкони бўлмаяпти.***





Гидролог олимларнинг фикрича, жорий йилда ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларида сув тошқинлари нисбатан кўпроқ кузатилиши мумкин. Маълумотларга кўра, Хитой сув тошқини бўйича сайёрамизда энг олдинги ўринда туради. Ўтган йиллар давомида мамлакатда 58 маротаба сув тошқинлари содир бўлган. АҚШ аҳолиси 52 маротаба сув тошқини азобини тортган. Бангладеш, Ҳиндистон, Таиланд, Вьетнам, Индонезия, Филиппин, Мексика, Бразилия, Россия ҳам жафокаш мамлакатлар рўйхатида туради.

Тарихий маълумотларга кўра, сайёрамизда энг кучли тошқин 1737 йилнинг 7 октябрида Ҳиндистонда рўй берган бўлиб, Хунгли дарёси ўзанидан чиқиши оқибатида қарийб 300 минг киши табиий офат қурбонига айланган. Орадан қарийб 140 йил ўтиб, шунга ўхшаш ҳолат Бангладешда кузатилган. Аниқроғи, 1876 йилнинг 31 октябрида Бенгалия кўрфазига яқин бўлган Бангладешнинг Читтагонга шаҳрида Мегхна дарёси тошиши юз мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган, эпидемия тарқалиши қурбонлар сонини янада оширган. Умуман олганда, кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина минтақаларда айнан сув тошқинларидан сўнг зарур чора-тадбирлар кўрилмагани турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

1900 йилнинг сентябрида Мексика кўрфазидан АҚШнинг Галвестон шаҳрига ёпирилган кучли довул ва тўлқин оқибатида 6 мингга яқин тинч аҳоли сувга ғарқ бўлган. 1953 йилнинг 31 январида Атлантика океанидан Шимолий денгизга кириб келган кучли довул оқибатида Голландия соҳиллари қарийб тўрт метрга кўтарилган. Зарур эҳтиёт чоралари кўрилишига қарамай, Нидерландия қироллигининг жануби-ғарбий қисмида яшаётган бир ярим мингдан ортиқ кишининг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Хитой ҳам сув тошқинлари содир бўлиши борасида дунёда етакчи ўринларда туради. Мамлакатда деярли ҳар йили кузатилаётган кучли жала ва ёғингарчиликлардан сўнг кўплаб маҳаллий аҳоли уй-жойсиз қолиб, манзилини ўзгартиришга мажбур бўлаётир.

Янцзи дарёси узунлиги жиҳатидан Нил ва Амазонкадан кейин учинчи ўринда туради. 6 минг 380 километр масофага эга бўлган бу дарёда катта талофатлар содир бўлиб туради. Сариқ дарё номини олган Хуанхэ ҳам Хитойдаги инжиқ дарёлар сирасига киради. Ўзанидан тез-тез чиқиб, одамларнинг тинчини бузиб тургани туфайли унга “Хитой қайғуси” деб ном ҳам қўйишган. Ёз фаслида Тинч океанидан Хитой томон нам ҳаво кириб келиши кучли ёғингарчиликларга сабаб бўлади. Тарихий маълумотларга қараганда, шу вақтга қадар Хитойда айнан сув тошқинидан қирқ миллионга яқин киши азият чеккан, тахминан 333 минг гектар ер майдонида етиштирилаётган экинларга зарар етган.

Буюк Британияда ўтган йили 340 га яқин шаҳарлар тошқин гирдобида қолди. Бунга қироллик ҳудудида бир неча ҳафтадан буён тинимсиз ёққан ёғингарчиликлар сабаб бўлган. Шимолий Ирландия, Уэльс, Англиянинг шимолий-ғарбий ва Шотландиянинг жанубий-ғарбий инфратузилмасига катта зарар етган. 2012 йил Буюк Британияда бир асрдан буён илк бор ёғингарчиликлар йили бўлганлиги кузатилган. Бир йил давомида қарийб 1,1 метр миқдорида ёғин тушган.

Австралия ҳукумати томонидан ҳам айни пайтда сув тошқинларидан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш, хавфли зоналарда эҳтиёт чоралари кўрилмоқда. Шунга қарамай, мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Брисбен яқинида худди шу ном билан аталувчи дарёнинг сатҳи икки ярим метргача кўтарилиши борасида хавотирлар мавжуд. Зеро, 2 миллион 100 мингдан ортиқ шаҳар аҳолиси 2011 йилнинг январида сув сатҳи тўрт ярим метргача кўтарилиб, 20 мингдан ортиқ уй-жойлар вайрон бўлганини унутгани йўқ. Январь ойининг биринчи ўн кунлигида Австралиянинг Квинсленд штатида 250 мингдан ортиқ киши айнан сув тошқини натижасида электр қувватисиз қолган. Қидирув-қутқарув гуруҳи вертолётлар кўмагида ўз уйлари томига чиқиб олган ўнлаб фуқароларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Бандаберг шаҳридан оқиб ўтувчи Барнетт дарёси сатҳи рекорд нуқтага — 9 метрга кўтарилди. 2011 йили ҳам Германия ва Франция ҳудудига тенг бўлган Квинслендда 35 киши ҳаётдан кўз юмганди.

Россия фавқулодда вазиятлар вазирлиги берган маълумотга қараганда, шу йилнинг март-апрель ойларида мамлакатнинг бешта федерал округида эҳтимолий сел келиши ва кўчкиларга қарши хавфсизлик чоралари кўрилмоқда. Бунга музликларнинг интенсив тарзда эриши, куз ва қишки намлик даражасининг кўтарилиши, ер қатлами ва тупроқнинг музлаши, қор кетидан ёғингарчиликларнинг кузатилаётгани сабаб бўлаётир. Одатда, Камчатка ўлкаси, Қорачой Черкессия, Кабардин-Балқар, Шимолий Осетия, Чеченистон, Доғистон, Сахалин, Красноярск ўлкаси, Иркутск вилоятларида ана шундай ҳолатни кузатамиз. Баҳор ойларида Томскда яшовчи 30 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойга кўчирилиши кутилмоқда. Бундан ташқари 11 та корхона, 6 та мактаб, 3 та даволаш муассасасининг сув остида қолиши тахмин қилинмоқда. Бу вилоятда 2010 йилнинг баҳорида Томь дарёсининг сатҳи қарийб 11 метргача кўтарилиши оқибатида ярим миллиондан ортиқ аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган.

Январь ойининг ўзида жаҳоннинг қатор мамлакатларида кучли сув тошқинлари рўй берган. БМТ томонидан тайёрланган ҳисоботга кўра, сўнгги 30 йил ичида Африканинг 18 та мамлакатида яшовчи бир ярим миллиондан ортиқ аҳоли айнан сув тошқинидан жабр чеккан. Шунингдек, Африкадаги йирик дарёлардан бири Замбезининг ўзанидан чиқиши оқибатида Мозамбик мамлакати инфратузилмасига таъсир кўрсатди, ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмган. Индонезия, Исроил, Хитой, Жанубий Африка республикаси мамлакатларида ҳам сув тошқинлари рўй берди.

Жанубий Африка республикасида ўтган йилнинг октябридан бошлаб мавсумий ёғингарчиликлар бошланган. Ҳозир дарёлар сатҳи 6 метргача кўтарилганлиги айтилмоқда. Яқинда мамлакатдан оқиб ўтувчи Лимпопо дарёси кучли ёғингарчиликлар туфайли ўзанидан тошиши натижасида фермалардан бирида боқилаётган 7 мингдан ортиқ тимсоҳлар қочиб кетган. Судралиб юрувчи ҳайвонлардан бири фермадан 120 километр олисликдаги мактабдаги регби ўйналадиган майдондан топилган. Тимсоҳларнинг одамларга ҳужум қилган ҳолатлари кузатилмаган.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**● Кучли сув тошқинлари 1824-1924 йиллари ҳозирги Санкт-Петербург, 1953 йили Нидерландия қироллигида рўй берган. Ғарбий Европадаги Дунай, Сена, Рона, Хитойдаги Янцзи ва Хуанхэ, АҚШдаги Миссисипи ва Огайо, Украинадаги Днепр ва Россиядаги Волга дарёлари тошиши ҳам мислсиз оқибатларни келтириб чиқарган.**

**● Хитой тарихида энг кучли тошқин 1887 йилнинг октябрида юз берган бўлиб, ўшанда Хуанхэ дарёси сатҳи 20 метргача кўтарилган. Оқибатда, 300 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолган, бир миллионга яқин киши ҳалок бўлган. Бу сайёрамиз тарихида энг йирик фожеа сифатида тарихда муҳрланган.**



# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Эҳтиёж ошади

**Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, беш йилдан сўнг дунёда табиий газ савдоси 35 фоиз (576 миллиард куб метр)га ошади.**



Умумий газ истеъмоли эса қарийб 4 триллион куб метрга етади. Агентлик вакилларининг айтишича, келгуси беш йил ичида газ қазиб олиш бўйича рақобат кучайиб, АҚШ Россияни ортда қолдиради ва дунёда биринчи ўринга чиқади. Эслатиб ўтамиз, 2012 йилда АҚШда 650 миллиарддан зиёд, Россияда 660 миллиард куб метр газ қазиб олинган. 2017 йилга бориб бу кўрсаткич АҚШда 769 миллиард, Россияда 757 миллиард куб метрни ташкил этиши кутилмоқда.

## Ишчилар ўрнига роботлар

**Тарқатилган маълумотларга кўра, Япониянинг “Canon” компанияси рақамли фотоаппарат ишлаб чиқарувчи заводини автоматлаштиради.**



Эндиликда мазкур компания маҳсулотларини ишчи роботлар ишлаб чиқаради. Агар лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, 2015-2016 йилларга бориб компаниянинг яна учта корхонасида робот ходимлар иш бошлайди. ИТАР-ТАСС хабарича, ўринларини машиналар эгаллаётган ишчилар маҳсулот сифатини назорат қилиш билан шуғулланади.

## Бункерда сақланган бола

**АҚШда бир ҳафта олдин ўғирлаб кетилган 5 ёшли бола топилган.**

Хабарларга кўра, Вьетнам уруши фахрийси Жим Лидайкс шу йилнинг 29 январида мактаб автобусига ҳужум қилган. Воқеа мамлакатнинг Алабама штатида рўй берган. Махсус хизмат вакиллари томонидан олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида воқеа жойи аниқланган. Маълум бўлишича, жиноятчи болани ер ости бункерида ушлаб турган. Музокаралар самарасиз якунлангач, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари куч ишлатишга мажбур бўлган. 65 ёшли Жим Лидайкс махсус операция жараёнида ўлдирилган, болага ҳеч қандай зарар етмаган, айни пайтда у касалхонада ётқизилган. Жиноятчининг бундай хатти-ҳаракати сабаблари маълум қилинмаган. Мазкур воқеа мамлакатда ўқотар қуроллар ва уни сақлаш бўйича назоратни ошириш зарурати ҳақидаги мунозараларни янада кучайтириб юборди.

## Турли газ воситалари кўпаймоқда

**Мексика пойтахти Мехикода кўп қаватли уйларнинг бирида портлаш содир бўлган.**



Бунга газ исининг чиқиши сабаб бўлган. Оқибатда қарийб 30 нафар одам ҳалок бўлган, яна 40 нафарга яқин киши касалхонада ётқизилган. Айтиш жоизки, мамлакатда кейинги пайтларда бу каби нохуш воқеалар тез-тез кузатилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга нафақат газдан нотўғри фойдаланиш, балки турли ноқонуний газ воситаларининг кўпайиб кетаётгани сабаб бўлмоқда.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

## Миср эҳромлари

***Африканинг шимоли-шарқий ва Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Миср Араб Республикаси шарқда Исроил, жанубда Судан, ғарбда Ливия билан чегарадош. Шимолда Ўрта ер денгизи, шарқда эса Қизил денгиз унинг қирғоқларини ювиб туради. Пойтахти Қоҳира. Ҳудуди 1001450 кв.км. Аҳолиси 79 млн.дан зиёд.***



Одатда, Миср ҳақида сўз кетганда кўз олдимизга маҳобатли эҳромлар келади. Аслида ҳам шундай. Чунки бу каби ғаройиб манзара, геометрик аниқлик, тарихий жозибадорлик, қудратли улуғворлик Миср эҳромларига хосдир. Тадқиқотчи олимлар ҳозиргача Нилнинг қуйи оқимидаги саҳро қумлари остида минг йиллар давомида беркиниб ётган катта-ю кичик, зина шаклидаги ёки сирти ўта текис юзга яқин эҳромларни аниқлашди. Бу улкан иншоотлар Мисрнинг минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи қадимий пойтахти Мемфис шаҳрини ўраб туради. Дунёга донғи кетган учта эгизак пирамидалар ҳам қадимий ва афсонавий пойтахт жойлашган текислик - Гизада қурилган. Булар: Хеопс, Хефрен ва Микерен эҳромларидир.

Мазкур пирамидалар дунёдаги етти мўъжизанинг энг қадимийси ҳисобланади. Ўз даврида Миср эҳромлари дунёнинг энг баланд иншоотлари сифатида 4000 йил давомида эътироф этиб келинган. Пирамидаларнинг энг каттаси - буюк пирамида фиръавн Хуфунинг мақбараси сифатида қурилган. Хуфу (юнон тилида Хеопс) пирамидаси дунёга Хеопс номи билан ҳам танилган. Бу пирамида эрамиздан аввалги 2580 йили қуриб битказилган.

Миср қадимшуносларининг ҳисоблашича, пирамидалар қуришдан олдин мисрликлар дастлаб тоғли ерларда зовурлар қазиб, текис ва яхлит пойдевор қилишга эришганлар. Бунинг учун зовурни сув билан тўлдириб, унга қозиқлар қоқиб, сувнинг юзасини белгилаганлар. Сўнг атрофни текислаб, зовурни тоғ тошлари билан тўлдирганлар ва қозиқлардаги белгиларга қараб тўғрилаб чиқишган. Натижада бўлажак пирамиданинг текис ва яхлит пойдевори вужудга келган. Бу вақтда тош ётқизувчи мутахассис пирамида учун ишлатиладиган тошларни бир неча йил мобайнида текислаб пардозлаган. Блоклар фақат уч ойга етадиган қилиб тайёрланган, чунки ҳар йили бўладиган сув тошқини натижасида уч ой давомида ишсиз қолган деҳқонлар ана шу пирамида қурилишига жалб этилган. Биринчи қатор тошлар ўрнатилгач, унинг атрофига шағал ётқизилиб, бир томонга нишаб тортилган. Кейин блокларни тортиш йўли билан нишабга олиб чиқилган ва биринчи қатор устига қўйилган. Ана шу йўсинда пирамида секин-аста қаторма-қатор юқорига кўтарилган сари унинг атрофидаги шағалдан қилинган нишаб ҳам спирал шаклида кўтариб борилган.

Пирамида қурилишида фойдаланилган дастлабки 2 млн.га яқин оҳактош блоклар Нил дарёсининг шарқий қирғоқларидан олиб келинган. Эҳром учун ҳозирги Қоҳира шаҳридан жануброқда, Гиза манзилгоҳидан 7 метр узоқликдаги чўл платоси устидаги тошлоқ ер танланади. Сабаби, оғирлиги 6 400 000 тонна келувчи пирамидани ана шу тошлоқ жойгина кўтариши мумкин эди. Эҳром асоси 10 йил деганда тайёр ҳолга келтирилади. Майдонни қурилишга тайёрлаш ишида 4 мингга яқин уста, меъмор ва ҳунармандлар қатнашган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, ўн йиллик тайёргарликдан сўнг, Хеопс қурилиши яна 20 йилча давом этган. Эҳромни бунёд этишда сон-саноқсиз ишчи кучидан фойдаланилган. Унинг қурилишида нафақат қуллар, балки ҳунарманду деҳқонлар ҳам ихтиёрий равишда иштирок этган.

Эҳром ўшанда ҳам ҳозирги кўринишидан унчалик фарқ қилмаган. Зинасимон тоғни эслатувчи пирамида узоқдан қаралганда яхлит монолит тошга ўхшаб кетган. Унинг юза қисми текисланиб, оппоқ оҳак аралашмаси билан силлиқлаб чиқилган. Ташқи плиталарига усталар шу қадар ишлов берганки, ой шуъласида эҳром улкан кристалл мисол товланиб турган. Тошлар бир-бирига зич тарзда ўрнатилганиданми уларнинг орасига ўткир тиғ ҳам сиғмайди. Пирамиданинг энг юқори нуқтаси 147 метрни ташкил этади. Бироқ, унинг бугунги ўлчами ер силкинишлари сабабли 138 метр бўлиб қолган. Хеопс пирамидаси 9 та футбол майдонига тенг ҳудудни эгаллайди. Асосининг томонлари 230 метрни ташкил қилади. Бу ўлчам бир-биридан, ҳатто бир бармоқ кенглиги даражасида ҳам фарқ қилмайди. Пирамиданинг асоси квадрат бўлиб, у қоянинг 25 м. ичкарисида жойлашган.

Эҳромнинг ички қисмида бир-бирига уланган йўлаклар тизими мавжуд. Узунлиги 47 метрни ташкил этувчи асосий йўлак орқали катта галереяга, у ердан эса узунлиги 10,5 м., эни 5,3 м., баландлиги 5,8 м. келадиган фиръавн хилхонасига ўтилади. Хона бошдан оёқ гранит билан қопланган. Пирамида ичкарисидаги бошқа хона ва йўлакларда бирорта ҳам безак ёки рамз учрамайди. Фақат Малика хонасига олиб борадиган йўлакдагина унинг кичик портретини кўриш мумкин. Ушбу тасвир тошга ўйиб ишланган фотосуратга ўхшаб кетади. Эҳром ичидаги йўлакчалар ҳар томонга “шохлаб” кетган. Меъморлар фиръавн даҳмаси атрофида беҳисоб бойликлар борлигини ҳисобга олган ҳолда шундай йўл тутишган. Қадимги меъморлар ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлганини рост. Чунки шу пайтгача тадқиқ этилган эҳромларнинг бирортасидан хазина тугул, мўмиёланган фиръавн жасади ҳам топилмаган.

**Зафар МУҲАММАД**

